



## ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН НАСРИДА ШАЙТОН НЕОМИФОЛОГЕМАСИНИНГ БАДИЙ ГЕНЕЗИСИ

Шоҳиста Абдуллаева

Урганч давлат университети  
мустақил тадқиқотчisi

Жаҳон адабиётшунослигида Шайтон мифологемасининг яратилиши ҳақида тадқиқотчи олимларнинг икки хил талқини мавжуд. Яъни Шайтон образининг яратилиши ҳақида диний ва дунёвий қараш асосида икки хил талқин шаклланган. Қизиги шундаки, Жаҳон ва ўзбек адабиётида Шайтон неомифолегамаси баъзан ижобий, баъзан салбий бадиий моҳиятга эга ҳолда тасвирангандан. Масалан, рус ёзувчиси Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романидаги Воланд образи (Шайтон неомифолегамаси) севишганларни яъни, Уста (ёзувчи) ва Маргаритани бирга бўлишига, жаннатга тушишига ёрдам берган ижобий образдир. Воланд М.Булгаковнинг жамиятга, хусусан, худосизлар жамияти бўлган социалистик жамиятга, совет ҳукуматига қарши норозилик рамзи сифатида яратилган киноявий образдир. Янада аниқроқ, тиникроқ тушунтирасак, Воланд, яъни Шайтон ақл тимсоли ҳисобланади. Шу маънода, М.Булгаков талқинидаги Воланд ёзувчининг бадиий ниятини рамзлар, метафоралар, фантасмагория, тимсоллар тили билан жамиятга нисбатан адебнинг аччиқ киноясини юксак бадиият билан ифодалаш учун хизмат қилган бебаҳо, тенгсиз образдир. Ўзбек адабиётида Истиқлол йилларида истеъододли адеб Шойим Бўтаевнинг “Шоҳ” романида Химер (яъни Шайтон) неомифологик образи айнан М.Булгаков, немис адаби И.В.Гётенинг “Фауст” трагедиясидаги Мефистофель образларининг ижодий ва ижобий таъсири натижаси сифатида яратилди. Химер неомифологик Шайтон образига бир томондан Ғарб адабиётининг илғор адабий тажрибалари, иккинчи томондан эса Шарқ адабиёти, айниқса, Ислом таълимоти бўйича Шайтоннинг шакли-шамойили, моҳияти шу образга сингдириб юборилган.

Умуман олганда, жаҳон ва ўзбек насрiddа Шайтон неомифологемасининг турфа қиёфалари, бадиий моҳияти, образ генезиси ўша халқларнинг диний таълимотлariiga бориб тақалади. Хусусан, М.Булгаков Воланд образини яратишда христиан динининг муқаддас китоби “Инжил”га асосий диний манба сифатида суюнса, Шойим Бўтаев Химер образини яратишда ислом динининг





муқаддас китоби “Куръони карим” ва Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарларидаги Шайтон ҳақидаги манбаларга таянади. Демак, Шайтон образи бадиий тасвирланган ёзма адабиёнинг илдизи илохий муқаддас китобларга бориб тақалади. Шайтон образи дунё халқлари адабиётида турли номлар билан аталиб келинади. Исломий давлатлар адабиётида Шайтон образнинг бадиий генезиси аслида, “Куръони карим”даги шайтони лаъин ҳақидаги ояtlар билан боғлиkdir. Рус адабиётшунослигида профессор П.А.Горохов ҳамда фалсафа фанлари номзоди Е.Р.Южаниноваларнинг тадқик этишича, И.В.Гётенинг “Фауст” ва М.Булгаковнинг “Мастер ва Маргарита” асарларида асар қаҳрамонлари ҳисобланган Мефистофел ва Воланд, яъни Шайтон образлари тасвирлари ўртасида аниқ генетик алоқа борлиги илмий жиҳатдан асосланган. И.В.Гёте қонли Франция воқеаларидан кейинги ва М.Булгаков эса фуқаролик урушидан кейинги воқеаликни маҳорат билан ёвузлик ва яхшилик тимсоллари сифатида Мефистофел ва Воланд (Шайтон) неомифологемасини яратишган.

Ўзбек адабиётшунослигида адабиётшунос М.Қўчкорова “Ҳозирги ўзек насирида бадиий шартлилик” монографиясида Шайтон образининг бадиий ифодасини Шойим Бўтаев, Назар Эшонқул, Н.М.Рауфхон роман, қисса ва ҳикоялари мисолида таҳлил этиб берган. Жумладан, Олима шундай ёзади: “Ҳозирги ўзбек насирида қадим миф ва афсоналарга кучли эҳтиёж пайдо бўлган. Муайян ижодкор томонидан яратилган субъектив миф ёки мифологик тафаккур асосида шаклланган бадиий асар қурилмаси, мифологемалар иштироки, сюжет ва мотивлари ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида янги адабий йўналиш – **неомиф насрни ташкил** этмоқда. XX аср ижодкорлари яратган неомиф наср мазмун ва моҳият жиҳатидан айнан мифларни такрорлаш эмас, мифологик сюжетга, образга (мифологемаларга) янгича нигоҳ ташлашдир. Хусусан, бугунги ўзбек ёзувчилари “Куръони карим”даги ривоятлар (Одам ота билан Момо Ҳавонинг учрашиши, жаннатдан ерга бадарға этилиши; Шайтоннинг жаннатдан қувилиши, Яъжуҷ ва Маъжуҷ, Қобил ва Ҳобил ҳикояти; “Асҳобу қаҳф афсонаси” ва бошқалардан) ва диний-мифологик қаҳрамонлар: Шайтон, Жин, Сувости маҳлуқи, хукмдор Искандар, ғорда ухлаб қолган етти ака-ука ва бир ит образларини янгича нигоҳ, янгича рух билан ижод қилишди. Масалан, Ш.Бўтаев “Шоҳ” романыда Химер, Н.Р.Муҳаммад “Шайтони Бузург” ҳикоясида Шайтон





Бузург образини яратища *Куръони карим* ва бошқа диний манбалардаги суралар, оялтар, ривоят ва ҳикоятлар мотивига сүянади”<sup>1</sup>.

Шайтон неомифологик образи қадим даврлардан бери жаҳон ва ўзбек адабиётининг проза, шеърият, драматургия каби тур ва жанрларига чуқур кириб борган мифологик образдир. Унинг жаҳон адабиётида Сатана, Ахриман, Иблис, Див, Қоронғу шаҳзода, Пичоқ каби номлари ва ўзбек адабиётида Шайтон, Иблис, Азозил, Шайтони Лаъин, Шайтони Бузург каби номлари мавжуд. Шарқ адабиётида Шайтон образининг қадим генезиси сифатида “Куръони карим” кўрсатилади. Шу маънода, шу муқаддас китоб “Куръони карим”га юзлансан, Иблис раҳм-шафқат, яхшилиқдан йирокда бўлган мавжудот сифатида талқин этилиб, 19 маротаба Иблис номи билан эслатиб ўтилиб, 9 таси Одам алайхиссаломнинг яратилиши ва Аллоҳнинг амри билан Иблис унга сажда қилишни буюрилганлиги, 2 таси Одамнинг яратилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда тилга олинган. Шу билан бирга 107 маротаба Шайтон номи билан аталган. Носуруддин Бурхонуддин ўғли Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асари Муқаддаси Куръон китобидан унумли фойдаланган ҳолда яратилган асар ҳисобланади. Асарда Шайтон Азозил, Иблис, Шайтони лаъин, Шайтони малъун номлари билан аталган. Асарда шайтон тасвири илк маротаба Аллоҳ таоло Одам алайхиссаломни яратишни ирова қилган пайтда номаён бўлади. Азозил “Эй фариишталар, Аллоҳ таоло айтингларки, агар таҳлилу тасбех керак бўлса, биз айтurmiz, тоат-ибодатда таксир (құсур, нұқсон, камчилік) қилган бўлсак, тавғир ((орттириш, күпайтириш, иқтисод қилиш, фойда) қилайлик, денглар”<sup>2</sup> деб гап ўргатади. Аллоҳ таоло тамонидан яратилган Одам алайхиссаломга тазим қилмаганлиги натижасида, уни саждадан бош қўтарган Фаришталар “дев суратли, бадшакл, юзи қора, кўзи чағир, тавқи лаънат бўйинида, ғул қўлида, занжир оёғида бир маҳлукни”<sup>3</sup> кўрдилар. Демак, Рабғузий Шайтоннинг Шайтоннинг ташқи ва ички моҳиятини “Куръони карим”да келган оят ва суралардаги тавсифлар воситасида шундай ифолаб беради.

Куръони Каримнинг Аъроф сураси 11-оятида шундай дейилади:

<sup>1</sup> Кўчкорова М. Ҳозирги ўзбек насрода бадиий шартлилиқ: филол. Фанлари док. ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 153.

<sup>2</sup> Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлиқ нашриёти, 2018. – Б. 6.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлиқ нашриёти, 2018. – Б. 16 - 17.





“Албатта, Биз сизларни (Одамни) яратдик, сүнгра сизларга (унга) суврат бердик, сүнгра фаришталарга: “Одамга сажда қилингиз!” дедик. Улар сажда қилдилар, илло Иблис сажда қилувчилардан бўлмади”<sup>4</sup>. Иблис (яъни Шайтон) аслида фаришталардан бири бўлиб, Оллоҳ барча фаришталарга Одамга сажда қилишни бујорганида Тангрига қарши чиқади. Яъни “мен оловдан яратилган бўлсаму, нега балчиқдан яратилган Одамга сажда қилишим керак” – дейди. Ана шу шаккоклиги учун Иблис жаннатдан ҳайдалади. Шу боис ўша замонлардан бери Шайтон Одамзотни Тангрига қарши қайраб, уни йўлдан оздирувчи, йўлдан урувчи, ҳаром-ҳаришга бошловчи мифологик образ сифатида талқин этиб келинади. Рабғузий ҳазратлари “Қурони карим”даги ана шу оятлар асосида “Қиссаси Рабғузий”да шундай ёзади: “Хитоби илоҳий келдикиким: “Эй малъун, ва на учун Менинг халифамга сажда қилмадинг?” Малъун “Ана хайрун минҳа”, яъни “Мен ундан яхшироқман” деб даъво қилди. “Халақтани миннори ва холақтаху мин тийна” яъни “Мени ўтдан, уни балчиқдан яратдинг, мен ундан афзалман, не учун мен унга сажда қилай? деб азалдан абад шақий (бахтсиз) бўлди.”<sup>5</sup>. “Қуръони карим”да Шайтоннинг шаккоклиги ҳақида оятларда шундай келади: Ҳижр сураси 27-оят: “Жин (яъни Иблис)ни Ожамдан илгари оловдан яратган эдик”<sup>6</sup>; 31-оятида: “Фақат Иблис бош тортди”<sup>7</sup>. Рабғузий “Қуръони карим”даги ана шундай оят ва сураларда келтирилган маълумотлар асосида ўз асарида шундай ёзади: “Иблис у ерда чунон ииғладики, Ҳазрат Ҳавво ҳурлар билан сайр қилиб юрган эдилар, югуриб келдилар. Гирянинг боисини сўрадилар. Иблис яъна аввалги сўзини сўзлаб, Ҳаввони майл қилди. Бу дарахтнинг мевасидан едилар ва яшириб олдилар. Ҳазрат Одамга ҳам бердилар, Ҳазрат одам унамадилар. Ҳазрат Ҳавво: “Аллоҳ таолонинг карами кенгdir”, деб қўймадилар. Бир дона бугдой ҳануз меъдаларига бормай туриб, биҳиштнинг хиллари (либослари) устларидан тушибди. Қурсоқларида оғриқ пайдо бўлди, табиатлари танг бўлди. Заҳар танг қилди, ўтиргани ҳеч ер тополмадилар. Ҳеч паноҳ ер йўқ эди. Дарахтлар ҳам бу кишидан қочар эди. Ялангочлигидан хижолат бўлиб ииғлаб юрар эди. Бу ҳолни гоҳ Ҳаводан, гоҳ шайтондар кўтарар эди.”<sup>8</sup>. Ана шундай

<sup>4</sup> Қуръони Карим. – Тошкент: Sano - standart нашриёти, 2021. – Б. 151.

<sup>5</sup> Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлик нашриёти, 2018. – Б. 17.

<sup>6</sup> Қуръони Карим. – Тошкент: Sano - standart нашриёти, 2021. – Б. 263.

<sup>7</sup> Қуръони Карим. – Тошкент: Sano - standart нашриёти, 2021. – Б. 263.

<sup>8</sup> Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлик нашриёти, 2018. – Б. 23 - 24.





диний мифологик воқеалар ва ҳикоятлар мазмунидан унумли фойдаланган ёзувчи Шойим Бўтаев “Шох” романига қаҳрамонлари характеристига, хатти-харакатига, яъни Химер, Хотам, Қулмаҳмуд образларига сингдириб юборган. Шунинг учун “Шох” романини тадқиқ этган адабиётшунос шундай ёзади: “Ш.Бўтаев “Шох” романида икки ёш иш билармонлар Хотам ва Қулмаҳмуднинг ғалати, қулоқ эшишиб, кўз кўрмаган саргузаштларидан ҳикоя этади. Роман структурасида кучли сарказм, пародиявий-ҳажвий оҳанг, пародия-образ, киноя, ниқобли кишилар образи, воқеалар ва қаҳрамонларни бошқа мамлакат, бошқа миллат қиёфасига кўчириб тасвиrlаш усули, шунингдек, неомиф унсурлари мавжуд. Асарда ироник бадиий модус билан неомифологик модус шу даражада қоришиқ ҳолда профессионал қалам билан қўлланган. Немис адиби Гётенинг “Фауст” трагедиясидан “Эгри шох, тўғри шох, ахли турфаҳол” мисраси “Шох” романига эпиграф сифатида танланган. Юқорида айтганимиздек, И.В.Гёте “Фауст” трагедиясини яратишда немис халқ афсонасиға сұянади. Унда ақлли инсон (доктор Фауст) ва шайтон (Мефистофель) образи акс эттирилган. Ш.Бўтаев “Шох” романида узоқ бадиий генезисга эга бўлган Шайтон образини бугунги кун воқеалари ва одамлари қаторида “Жаноб Химер” қиёфасида қайта жонлантиради. Бу образга берилган тавсифлар, унинг дамба-дам мutoала қиласидиган ота-боболари тарихини варақлаши, барча рамзий деталлар унинг “Шайтон” образи эканини тасдиқлади”<sup>9</sup>.

Рабғузий ҳазратлари ўз асарда Шайтонни “қари киши”, “киши”, “чиройли йигит” ва “табиб хотин” қиёфасида акс эттиради. Жумладан, “Кофиirlar Иброҳим алайҳиссаломни ўтга соламиз, деб ўтнинг яқинига боролмас эдилар. Шунда Шайтон бир қари киши суратида келиб, мажанақ қилишини ўргатди. Шайтон мажанақни дўзахда кўриб эди”<sup>10</sup>; “Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилиш учун йўлга равона бўлганларида Шайтон бир киши суратида пайдо бўлиб Исмоил алайҳиссаломга “Эй Исмоил, отанг сени ўлдиргани олиб бормоқда”<sup>11</sup> дейилади. Шунда Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломга “У шайтон, тош билан ур”<sup>12</sup>; “Бир

<sup>9</sup> Кўчкорова М. Ҳозирги ўзбек насрода бадиий шартлилиқ: филол. фанлари док. ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 155-156.

<sup>10</sup> Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлиқ нашриёти, 2018. – Б. ?

<sup>11</sup> Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлиқ нашриёти, 2018. – Б. 91.

<sup>12</sup> Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлиқ нашриёти, 2018. – Б. 92.





йил Аллоҳ таоло қыттиқ совуқ юборди. Мева бўлмади, атрофдагилар яна келишиди. Шаҳар ҳалқи подшохга бориб арз қилди. Шандум айтди: “Бутга бориб сўранглар”. Шайтон бутни ичига бир девни киргизди. Дев айтди: Атрофдан келганларни левота қилинглар. Шайтон бир чиройли йигит суратига кириб олди. Уни ушлаб олтмиши киши левота қилди. Шайтон табиб хотин сифатида келиб, буларни ҳолини билгандай бўлиб, ёғочдан эрлар олатини ясаб, ҳалиги асбобога чарм қоплаб, ўзи биринчи бўлиб алоқа қилди”<sup>13</sup>.

Кузатилаётганидек, ўзбек адабиётининг етук ёзувчилари Ш.Бўтаев (“Шоҳ”), Н.М.Рауфхон (“Шайтони Бузург”), Н.Жалолиддин (“Қурб”) каби адибларнинг насрый асарларида Шайтон неомифологемасининг яратилиши учун “Куръони карим” ва “Қиссаси Рабҳузий”да келтирилган қатор манбалар асос бўлган. Айтиш мумкинки, энг асосий хужжатdir. Рус шоири Лерментовнинг “Демон” поэмасида эса шоир учун диний манба “Инжил” ва ҳалқ орасида тарқалган оғзаки афсоналар асос бўлган. Поэмада воқеалар Грузия тоғларидаги бир қишлоқда кечади. Шаҳзода Гудалнинг қизи Тамара ҳашаматли уйда яшайди, у ўзининг тўйини кутмоқда, ҳовли аллақачон байрам учун тайёргарлик кўрган. Аммо Кавказ чўққиларидан учиб келган шайтон қизни ёқтириб қолиб, уни йўлдан уришга уринади. Куёв тўйга шошилади, йўлда унинг ортида бой туялар карvon келаётган бўлиб, қароқчилар саёҳатчиларга етиб олади. Шундай қилиб, тўй қувончлари азага айланади. Энди иблиснинг рақиби йўқ, у Тамарани эгаллаб олмоқчи бўлади аммо қиз худодан ҳимоя топишни истайди ва монастирга боради. Бу дунёдан роҳиба бўлиб ўтишни истайди. Шайтон қизни йўлдан оздириб, ундан ўпич олиб, жонини олади. Лекин эзгу фаришта унинг жонини сақлаб, уни жаннатгаолиб чиқиб кетади ва қиз жаннатда хотиржамлик топади.

Лерментовнинг асарида Анхел ва Демон бир хил руҳнинг икки томонидир. Инсон табиатан иккита, яхшилик ва ёмонлик хамиша унга қарши курашади. Асар бош қаҳрамони Шайтон Демоннинг мақсади икки севишганни ажратиш ва уларни айириш эди. У бу шум ниятига етади ҳам. Аслида, одамнинг жонини олиш фақатгина Азроил Алайҳисаломга буюрилганлиги, шайтон фақатгина ёмонликка эргаштирувчи эканлигини англаб етиш қийин эмас. Шоир Лермонтов Шайтони Лаъиннинг шум ниятларини кунпаяқун қилиб, асар хulosасини,

<sup>13</sup> Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлик нашриёти, 2018. – Б. 96.





бадиий ечимини қутилмаган тарзда якунлайдики, одамзоднинг Шайтонга енгилмаслги каби умуминсоний ғоя қалбларга малҳам беради. М.Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» романи ҳам Сталин қатоғонлари алангасидан омон қолган хазина асардир. Чинакам инсоний муҳаббат ва инсонларга раҳм шафқат туйғусига йўғрилган, бадиий хаёлот маҳсулига бой бўлган шедевр асардир, даврлар ўтсада, ўз бадиий моҳияти ва долзарблигини йўқотмаган киноявий реалистик асар ҳисобланади. Роман бадиий услубида М.Булгаковнинг кучли сарказми, аччиқ киноси ва пиchinг ва истеҳзолари, буюк бадиий хаёлоти маҳсули бўлган хилма-хил гўзал образлари тасвири бугунги китобхонни ҳам қуюшқондан чиқаради. Гўзал Маргарита ва Устанинг севги изтироблари, Воланд ва унинг гумашталари бошчилигидаги театрлаштирилган сатирик лавҳалар, Понти Пилат ҳақида сюжет линияси ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Муаллиф шайтонни ўзини жасорати билан ғайриоддий қиёфада тасвирлайди. Шайтон барчага таниш бўлган тасвирдан фарқли ўлароқ ёвузлик ва қастдан ёмонлик қилмайди, аксинча у одомга онгли танлаш имкониятини беради ва бунинг учун у кейинчалик жазоланади. Шайтон Соковнинг ўлимини башорат қиласи ва ҳаётининг қолган ойларини бехуда ўтказиб, ўз маблағларни сарфлашни маслаҳат беради. Соков рухни қутқариш учун эмас балки, табиий очкўзликка ружу қўяди.

Жаҳон ва ўзбек адабиётида ўзининг алоҳида ўрнига эга мазкур асарларда Шайтон неомифологемаси ўзига хос кўринишларда бадиий ифодаланган бўлиб, уларда ҳар бир ёзувчининг катта бадиий маҳорати ва турли манбалардан ижодий фойдаланиши натижасида шаклланган бадиий тафаккур дунёси очилади. Хулоса шуки, Шайтон неомифологемасининг бадиий генезисини аввало, ҳар бир миллий адабиётдан ўзидан, фользоридан диний манбаларидан излаш лозим. Қолаверса, табиийки, жаҳон адабий тажрибалари ҳам ўзбек адиблари учун катта ижодий мактаб бўлгани шубҳасизdir.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Куръони Карим. – Тошкент: Sano - standart нашриёти, 2021.
2. Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Тошкент: Ёшлиқ нашриёти, 2018.
3. Шойим Бўтаев. Шоҳ. – Тошкент: Tafakkur qanoti нашриёти, 2018.
4. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Этақдаги Кулба. – Т.: Академнашр, 2014. – 376 б.
5. Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. – Т.: Шарқ, 2008. – 400 б.
6. Усмон Носир. Танланган асарлар. – Тошкент: Адаб, 2022.

